БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№244 (2835).

24

Октябрь 1985 й.

ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

Суратда: Совет делегацияси бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг «Европа ва жаҳон ишларида ядро уруши хавфини йўқотиш ҳамда яхшилик сари бурилиш учун» Баёнотини имзоламоқда. ТАСС телефотоси.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИ КЕНГАШИНИНГ ИШИ ТУГАДИ

СОФИЯ, 23 октябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши ўз ишини тугатди. Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Бош секретари Я. Кадар раислигида ўтган якунловчи мажлисда «Европа ва жаҳон ишларида ядро уруши хавфини йўқотиш ҳамда яхшилик сари бурилиш учун» Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Баёноти имзоланди.

Баёнотни делегацияларнинг бошлиқлари: Болгария Халқ Республикаси номидан — Т. Живков; Венгрия Халқ Республикаси номидан — Я. Кадар; Германия Демократик Республикаси номидан — Э. Хонеккер; Польша Халқ Республикаси номидан — В. Ярузельский; Руминия Социалистик Республикаси номидан — Н. Чаушеску; Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан — М. С. Горбачев; Чехословакия Социалистик Республикаси номидан — Г. Гусак имзоладилар.

Кенгаш ахбороти ҳам қабул қилинди.

Кенгаш дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорлик вазиятида ўтди. У Европа ва жаҳон сиёсатига доир муҳокама этилган проблемалар юзасидан Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар қарашларининг бирлигини намойиш қилди.

ЕВРОПА ВА ЖАҲОН ИШЛАРИДА ЯДРО УРУШИ ХАВФИНИ ЙЎҚОТИШ ҲАМДА ЯХШИЛИК САРИ БУРИЛИШ УЧУН

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Баёноти

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикасининг 1985 йил 22-23 октябрь кунлари Софияга Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Сиёсий маслаҳат комитети кенгашига тўпланган олий вакиллари Европадаги вазиятни батафсил кўриб чиқдилар ҳамда умуман халқаро муносабатларнинг энг муҳим проблемалари хусусида фикрлашиб, ядро уруши хавфини йўқотиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун курашнинг энг зарур вазифаларига асосий эътибор бердилар. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг актуал масалалари самарали муҳокама ҳам қилинди.

Европада ва бутун дунёда тинчликнинг тақдири учун ўз халқлари ҳамда инсоният олдидаги масъулиятни англаб, халқаро ишларнинг ҳозирги ташвишли ривожланишида яхшилик сари бурилишга эришиш муддаосига амал қилиб кенгаш қатнашчилари биргаликда қуйидаги Баёнотни берадилар.

I.

Кейинги йилларда халқаро кескинлик ҳаддан ташқари кучайди. Дунё шундай чегарага яқинлашиб келдики, ундан ўтилгач воқеалар назоратдан чиқиб кетиши мумкин.

Қуролланиш пойгаси шитоб билан кучайиб бормоқда. Американинг ўртача олислик ядровий ракеталари Ғарбий Европанинг НАТОга аъзо бўлган бир қанча мамлакатларига жойлаштирилганлиги қитъада янги хатарли вазиятни вужудга келтирди, Совет Иттифоқини ва бошқа баъзи социалистик мамлакатларни жавоб чоралари кўришга мажбур этди.

Қуролланиш пойгасининг космик фазога ёйилиши хавфи алоҳида ташвиш туғдирмоқда, бу ҳол бутун стратегик вазиятни беқарорлаштиришга олиб борган бўлур эди, космосни инсоният учун яна бир ҳалокатли хавф манбаига айлантирган бўлур эди.

Кескинликнинг ва уруш хавфининг кучайиши сабаблари империализм, аввало АҚШ империализми сиёсати замирида яширинган, АҚШ бошқа халқлар ва давлатларни ўз измига юритиш учун ҳарбий устунликка эришиш мақсадини кўзлаётганлигини яширмаяпти.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳар қандай вазиятда ҳам ўз халқларининг хавфсизлиги манфаатларидан воз кечмайдилар. Улар ҳарбий устунликка эришишга интилмайдилар, аммо ўзларидан ҳарбий устунликка ҳам йўл қўймайдилар. Улар — қуролланиш пойгасига, уни кучайтиришга қатъиян қаршидирлар ва энг паст даражадаги кучлар мувозанатини таъминлашга интилмоқдалар.

Ядро уруши хавфини йўқотиш, ҳарбий қарама-қаршилик даражасини камайтириш, халқаро муносабатларни тинч-тотув яшаш ва кескинликни юмшатиш руҳида ривожлантириш улар ташқи сиёсатининг бош мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Улар шунга асосланиб иш тутадиларки, мафкуравий ихтилофлар давлатлараро муносабатларга ўтказилмаслиги ва бу муносабатларнинг барқарорлиги кўпорилмаслиги лозим, ҳозир барча давлатларнинг, халқаро вазиятни нормаллаштириш учун курашувчи барча кучларнинг актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиши ҳар қачонгидан ҳам зарур. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар таклифларининг кенг комплекси шунга қаратилган. Турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида сиёсий мулоқот, реалистик фикрловчи доираларнинг чиқишлари, урушга қарши ҳаракатларнинг, барча тинчлик кучларининг активлиги кескинликни юмшатишга қайтиш ва уни давлатлараро муносабатларнинг ҳамма соҳаларига ёйиш, пухта хавфсизлик ва ҳамкорлик сари бурилиш бемалол эришса бўладиган иш эканидан далолат беради.

Бундай бурилиш ясаш учун зўравонлик ва муҳолифлик сиёсатига барҳам бериш зарур. Барча давлатлар миллий мустақиллик ва суверенитетни ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик, чегараларнинг ва территориал бутунликнинг бузилмаслиги, низоларни тинч ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик принципларига ва халқаро муносабатларнинг ҳамма эътироф қилган бошқа нормаларига қатъий риоя этиши керак. У ёки бу мамлакатлардаги аҳволни, уларнинг сиёсатини сохта тарзда талқин этадиган туҳмат кампанияларига йўл қўйиб бўлмайди. Бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашишни, давлат терроризми сиёсати ўтказишни ҳеч қандай важлар билан оқлаб бўлмайди. Ҳар бир халқнинг ўзи эркин танлаб олган социал-сиёсий системада яшаш ва меҳнат қилишдан иборат суверен ҳуқуқига ҳеч ким қасд қилмаслиги керак.

Халқаро ишларда яхшилик сари бурилиш сиёсатига ҳозирги дунё реалликларига мувофиқ янгича ёндашишни, ўзаро вазминликни талаб қилади. Қуролланиш пойгасини тўхтата оладиган ва унинг космик фазога ёйилишининг олдини оладиган қурол-яроғларни, аввало ядровий қуролларни кескин қисқартиришга эришиш имконини берадиган чоралар зудлик билан кўрилиши зарур. Шу муносабат билан космик ва ядровий қуролларга — стратегик ва ўртача олислик қуролларига тааллуқли масалалар комплекси юзасидан Женевадаги Совет — Америка музокараларининг муҳим аҳамияти қайд этилди.

Кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқининг космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ердаги шундай пойгани тўхтатиш вазифаларини амалий равишда ҳал этишга қаратилган конструктив позициясини, унинг янги катта ташаббусини — СССР билан АҚШ зарбали космик қуролларни батамом тақиқлаш ҳамда бир-бирларининг территориясига етиб бора оладиган ўз ядровий қуролларини ҳақиқатан ҳам туб ва кескин — 50 процент қисқартириш ҳақида келишиб олишлари тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайдилар.

Иттифоқчи социалистик давлатларнинг раҳбарлари олий даражада бўлажак Совет—Америка учрашуви жаҳонда ҳозирги хатарли кескинликни юмшатишга, уруш хавфини камайтиришга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланиш сари реал силжишга қаратилган ўзаро мақбул қарорларга эришишга кўмаклашиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

II.

Воқеаларнинг ҳозирги хатарли ривожланишини тўхтатиш, Европада ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини пасайтириш, ядро уруши хавфини йўқотиш учун курашнинг энг муҳим йўналишидир. Умуман халқаро хавфсизлик каби Европа хавфсизлиги ҳам ҳарбий воситалар, ҳарбий куч билан таъминланиши мумкин эмас. Фақат кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, ишончни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўли билангина қитъада мустаҳкам тинчликка эришиш мумкин.

Қитъада ядро қуролини бундан буён жойлаштиришни тўхтатиш ва уни қисқартириш сари иш юритиш зарур. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европани ҳам ўртача олислик, ҳам тактик ядро қуролидан батамом ҳоли қилиш учун ғоят қатъият билан курашмоқдалар.

Европада ўртача олис ядровий воситаларни тезроқ ўзаро қисқартириш тўғрисида аҳдлашиб олишни енгиллаштириш мақсадларида космик ва стратегик қуроллар проблемаси билан бевосита боғланмаган алоҳида тегишли битимга эришиш бу йўлдаги муҳим қадам бўлур эди.

Шу жиҳатдан Совет Иттифоқининг Европада ўртача олислик совет ракеталарини жойлаштирмай қўйиш, шунингдек, совет томонининг Европада ўртача олислик Америка ракеталари жойлаштирганга жавобан ўзининг Европа зонасида қўшимча равишда жойлаштирилган миқдордаги СС-20 ракеталарини жанговар навбатчиликдан олиши каби ихтиёрий равишдаги холис ниятли ишлари ниҳоятда муҳимдир.

Ҳозирги пайтда шу нарса жуда муҳимки, қитъадаги барча давлатлар ва аввало НАТО ҳамда Варшава Шартномаси мамлакатлари Европада ядровий қуролларни қисқартиришга ва тугатишга, ана шу масалалар юзасидан олиб борилаётган музокараларда муваффақиятга эришишга, ядро уруши хавфининг олдини олишга қаратилган куч-ғайратларга актив кўмаклашишлари зарур. Ўртача олислик ядровий ракеталар ҳозирдаёқ территориясида жойлаштирилган ёки жойлаштириш мўлжалланаётган давлатлар зиммасига Европа тинчлиги ва ялпи тинчликнинг тақдири учун катта масъулият тушади.

Кенгашда Европа қитъасининг турли қисмларида, жумладан, Европа шимолида ва Болқон ярим оролида ядросиз зоналар, шунингдек, Марказий Европада НАТО ва Варшава Шартномаси мамлакатларини ажратиб турган чизиқ бўйлаб ядро қуролидан ҳоли коридор вужудга келтириш тўғрисидаги ташаббуслар тўла-тўкис қўллаб-қувватланиши билдирилди.

Кенгашда вакиллари қатнашаётган давлатлар НАТОга аъзо бўлган мамлакатларга қаратилган ва ўз актуаллигини сақлаб қолаётган таклифларни:

— Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо бўлган давлатлар ўртасида ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинчлик муносабатларини сақлаш тўғрисида шартнома тузиш, бу шартнома Европадаги барча мамлакатлар ва бошқа манфаатдор мамлакатлар учун ҳам очиқ бўлур эди;

— ҳарбий ҳаракатларни кўпайтирмаслик ва қисқартириш;

— Европани химиявий қуролдан ҳоли қилиш хусусида бевосита музокаралар олиб бориш кераклигини эслатиб ўтадилар.

Улар ГДР билан ЧССР ҳукуматларининг Марказий Европада химиявий қуролдан ҳоли зонани вужудга келтириш борасидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайдилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Марказий Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилаётган музокараларда тезроқ аҳдлашувга эришиш кераклигини ёқлаб чиқмоқдалар ҳамда Совет ва Америка қўшинларини қисқартиришдан бошлашни таклиф этмоқдалар.

Улар Стокгольм конференциясида яқин келажакда ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан бир-бирини тўлдирувчи муҳим тадбирлар ишлаб чиқилишини ёқлаб фикр билдирадилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа иқтисодий ҳамжамияти ўртасида бевосита амалий муносабатлар, конкрет масалалар юзасидан улар ўртасида мулоқотлар ўрнатилиши Умумевропа ҳамкорлигини, шу ташкилотлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам берган бўлур эди.

Европа давлатлари ўртасидаги чегараларни, уларнинг социал сиёсий тузумини қайта кўриб чиқишга қилинаётган даъватлар Европада ишонч ва ҳамжиҳатликни, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга хилофдир. Қитъада урушдан кейинги чегаралар бузилмасдир. Уларга бевосита ёки билвосита тажовуз қилишга ҳар қандай уринишлар Европадаги тинч қурилиш негизларига путур етказишини билдирган, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таҳлика остида қолдирган бўлур эди. Ҳозирги территориал—сиёсий реалликларни ҳурмат қилиш — Европа давлатлари ўртасидаги нормал муносабатларнинг зарур шартидир.

Шу муносабат билан аввало Германия Федератив Республикасида реваншчи кучлар жонланаётганлигининг хатарли эканлиги уқтириб ўтилди. Қаерда бўлмасин, расмий ва бошқа доираларнинг реваншизмни рағбатлантириши қитъада кескинликни юмшатиш, ҳамкорлик ва тинчликни таъминлаш манфаатларига, 70-йилларда тузилган шартномалар ва битимларга, Хельсинки Якунловчи актига зиддир.

Европа давлатлари, АҚШ ва Канада раҳбарларининг бундан 10 йил муқаддам бўлиб ўтган, ғоят муҳим принциплар ва қоидаларни қабул қилган кенгашининг катта аҳамияти таъкидланди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ана шу принциплар ҳамда қоидаларга асосланиши лозим. Кенгаш реалистик сиёсатнинг, холис ниятнинг ва ҳар бир мамлакат қонуний манфаатларини ҳисобга олишга тайёрликнинг яққол ифодаси бўлди. Кенгашнинг кескинликни юмшатиш руҳи билан суғорилган Якунловчи акти замон синовига бардош берди ва ташқи ишлар министрларининг яқинда Хельсинкида ўтказилган учрашуви тасдиқлаганидек, Умумевропа ҳамкорлигининг узоқ муддатли программаси бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда шу асосда қитъадаги вазиятни соғломлаштириш манфаатлари йўлида турли формалар ва хилма-хил даражаларда Европа мамлакатлари ўртасидаги сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш зарур. Кенгашда вакиллари иштирок этаётган давлатлар ҳуқуқий тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги формаларини излаб топишга тайёр эканликларини билдирадилар. Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишида, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳасида ва бошқа масалаларда ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам тайёрдирлар. Улар давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда барча соҳаларда инсон ҳуқуқлари тўла-тўкис таъминланиши учун курашиб келдилар ва муттасил курашмоқдалар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Умумевропа анжуманлари, шу жумладан, ҳозир Будапештда ўтаётган маданият анжумани ишида бундан буён ҳам амалий равишда иштирок этаверадилар. Улар Хельсинкида бошланган кўп томонлама жараён дадил ва мутаносиб равишда олға ҳаракат қилиши учун куч-ғайратларини давом эттириш ниятидадирлар. Уларнинг фикрича, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакилларининг 1986 йилда Венада ўтказиладиган учрашуви шу жиҳатдан муҳим роль ўйнаши лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

22 октябрь куни КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари, марказий идеология муассасалари ва идоралари, ижодий союзлар раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳамда 1986—1990 йиллар ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги муносабати билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленумида, деди у, КПССнинг бўлажак XXVII съезди ҳужжатларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ғоят катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Партия Ленин анъаналарига амал қилиб, совет жамиятини ривожлантиришдаги мана шу масъулиятли, бурилиш даврида коллектив тажрибага таянган ҳолда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, коммунизм сари олға томон силжишимизнинг йўлларини белгилаш учун маслаҳатлашиб олиш мақсадида меҳнаткашларга мурожаат қилади.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларида кейинги вақтда назарий ва сиёсий тафаккуримизни бойитган янгиликни чуқур очиб бериш зарур. Бунда гап энг аввало, КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг ҳужжатларида, фантехника тараққиёти масалалари юзасидан партия Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш материалларида берилган баҳолар, қоидалар ва ҳужжатлар тўғрисида боряпти.

1985 йил ва умуман беш йиллик планини адо этишга оид амалий фаолият масалалари ҳозирги вақтда матбуот, бутун идеология фронтининг диққат марказида бўлиши зарурлиги уқтириб ўтилди. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, уюшқоқлик ва интизомни ошириш, бошқариш механизмини такомиллаштириш, иш услубини тубдан яхшилаш, одамларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш проблемалари доимо диққат марказида бўлиши зарур. Ташаббусни, ишга ижодий муносабатда бўлишни, новаторликни, жамият манфаатлари йўлидаги юқори малакали, серунум меҳнатни янада ёрқинроқ тарғиб қилиш, КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг йўлини рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалаларни кенг кўламда ва ўткир қилиб қўйиш керак.

Е. К. Лигачев оммавий ахборот ва пропаганда воситалари съездолди ҳужжатлари лойиҳалари хусусида меҳнаткашларнинг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари баён этилган материалларни ўз вақтида эълон қилишлари, КПССнинг бўлажак XXVII съезди ҳужжатлари лойиҳаларидаги асосий проблемаларга оид назарий ва пропаганда мақолаларни, совет кишилари ва чет эллик гражданларнинг фикр-мулоҳазалари ва мактубларини, коллективлар, айрим ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг партия съезди шарафига ўз зиммаларига олган мажбуриятларини мунтазам эълон қилишлари зарурлигини таъкидлади.

Съездолди ҳужжатлари, деб уқтирилди кенгашда, ошкора ва амалий тусда, уюшқоқлик ва мазмунли тарзда, ортиқча дабдабасиз ва шовқин-суронсиз муҳокама этилиб, пропаганда қилиниши ва тушунтириб берилиши, совет халқининг Коммунистик партия тевараги да янада жипслашишига, меҳнаткашлар социалистик жамиятни такомиллаштириш вазифаларини ва истиқболларини, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолати ютуқларини чуқурроқ англашларига кўмаклашиши зарур.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ТОШКЕНТ ЖАСОРАТНОМАСИ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР №13

„ОҚ ОЛТИН" – ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун —мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,14	93,24
Наманган	1,38	90,00
Тошкент	1,12	89,81
Хоразм	0,94	83,61
Андижон	1,19	77,70
Сурхондарё	1,33	77,11
Сирдарё	1,41	76,66
Бухоро	0,81	75,69
ҚҚАССР	1,22	75,66
Навоий	1,01	68,56
Жиззах	1,44	67,37
Самарқанд	1,09	62,28
Қашқадарё	1,16	51,67
Республика бўйича:	1,17	76,03

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ва ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ газеталари ва «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» бошқармасининг оталиқдаги областларнинг пахта далаларидаги матбуот марказини.

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, Р. Нуъмонов, Т. Каримовлар Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларидан хабар қиладилар.

ОТАЛИҚ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон пойтахтининг Куйбишев райони билан Тошкент областидаги Сегизбоев номли совхоз пахтакорлари ўртасида оталиқ алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб боряпти. СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи», «Ташсельмаш» синтори районнинг йирик саноат корхоналари меҳнатчилари ҳали йиғим-терим бошланмасдан олдиноқ қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш, пахтакорларга турар жойлар тайёрлаш учун ўз вакилларини юборган эдилар.

— Бизнинг районимиз турли корхона ва ташкилотларидан 2 мингдан зиёд киши пахта йиғим-теримига жўнаб кетди,— дейди Куйбишев райони пахта йиғим-терими штабининг бошлиғи Т. Крушельницкий. — Дастлабки кунлардан бошлабоқ шаҳарлик ҳашарчилар зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб келмоқдалар. Бугунги кунгача,— деб сўзида давом этди Т. Крушельницкий, — ҳашарчиларимиз 568,3 тонна «оқ олтин» териб бердилар. Бизнинг ҳам ўз илғорларимиз бор, —деди табассум билан штаб бошлиғи. — Уларнинг ҳар бири совхоз хирмонига 50 килограммдан ошириб дурдона тўкмоқдалар. С. Бойко (трактор заводи), Ё. Ҳакимова (НИИХТЦ), А. Ниёзматова (НИИстромпроект) ва бошқалар шулар жумласидандир. Сўнгги беш кунликда бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақада трактор заводи, НИИХТЦ, «Узбекгидрогеология» ва лаклўёқ заводи коллективлари ғолиб чиқдилар.

Шаҳарлик ҳашарчилар Улуғ Октябрнинг 68 йиллигини пахтазорлар қучоғида зарбдор меҳнат билан кутиб олишга аҳд қилганлар. Улар КПСС нинг XXVII съездига муносиб армуғон ҳозирламоқдалар. Район меҳнаткашлари фақат дастгоҳлар ёнидагина эмас, балки республиканинг «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшиш билан ҳам коммунистлар анжуманини ёруғ юз билан кутиб олишга аҳд қилганлар.

ЕВРОПА ВА ЖАҲОН ИШЛАРИДА ЯДРО УРУШИ ХАВФИНИ ЙЎҚОТИШ ҲАМДА ЯХШИЛИК САРИ БУРИЛИШ УЧУН

(Боши биринчи бетда)

Кенгашда вакиллари иштирок этаётган давлатлар Хельсинки Якунловчи актини имзолаган барча мамлакатлар унинг ҳамма принципларн ва қоидаларини изчиллик билан амалга оширишларини муттасил талаб қилиб келмоқдалар. Шу асосда давлатлараро муносабатларнинг ривожланиши Европани мустаҳкам тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қитъасига айлантиришга кўмаклашган бўлур эди.

III.

Қуролланиш пойгасини, биринчи навбатда ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга ўтиш — замонамизнинг туб вазифасидир.

Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар биринчи навбатдаги бир қанча тадбирларни амалга ошириши шу вазифани ҳал этишга қўшилган катта амалий ҳисса бўлур эди. Гап аввало шу ҳақда бормоқдаки, зарбали космик қуроллар, шу жумладан, йўлдошга қарши воситалар яратиш, синаш ва жойлаштириш борасидаги барча ишлар тўхтатиб қўйилиши; ҳозирдаёқ мавжуд ядро қуролларини модернизациялашни максимал даражада чеклаб, айни бир вақтда шундай қуролларнинг янги турлари ҳамда типларини яратиш, синаш ва жойлаштиришни тўхтатиб ҳозирги миқдорлар даражасида кўпайтирмай қўйиш; Европада ўртача олислик ракеталари жойлаштирилишини тўхтатиш керак. Бу тадбирлар ядровий ва космик қуролларга тааллуқли масалалар бутун комплекси юзасидан СССР билан АҚШ ўртасида битим ишлаб чиқилгунга қадар амалга оширилиши мумкин бўлур эди.

Ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш манфаатлари ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатиш каби тадбирнинг ҳам амалга оширилишини қатъиян талаб этади. Кенгашда Совет Иттифоқи шундай портлатишларни ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйганлиги қўллаб-қувватланди. Энди гап аввало АҚШда қолди.

Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ядро қуроли бўлмаган давлатларнинг территориясида ҳар қандай ядро қуролини жойлаштиришдан тийилиб туриш ва ядро қуроли запасларини кўпайтирмаслик, шунингдек, бу қурол ҳозирдаёқ жойлаштирилган мамлакатларда уни янгилари билан алмаштирмаслик тўғрисида ўзаро мажбурият қабул қилишлари худди шу мақсадга мос келган бўлур эди.

Ноядровий қуроллар билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш ишида ҳам СССР билан АҚШ яхши намуна кўрсата олур эдилар.

Кенгаш қатнашчилари СССР билан АҚШ ўзининг вайронгарчилик имкониятлари жиҳатидан ялпи қирғин қуролига тенглашадиган оддий қуролларнинг янги турларини яратмаслик ва ишлаб чиқармаслик тўғрисида зиммаларига мажбурият олишларини таклиф этмоқдалар.

Улар СССР ва АҚШ Қуролли Кучларининг 1986 йил 1 январигача бўлган ҳолатдаги сонини, шу жумладан, уларнинг миллий территорияларидан ташқаридаги Қуролли Кучлари сонини кўпайтирмасликни таклиф қиладилар.

Навбатдаги молия йилидан бошлаб СССР билан АҚШнинг ҳарбий бюджетларини ўзаро кўпайтирмаслик барча йўналишларда қуролланиш пойгасини чеклашнинг самарали тадбири бўлур эди.

Кенгашда «Космик фазони ҳарбийлаштирмаслик шароитида уни тинчлик мақсадида ўзлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлик тўғрисида» БМТ Бош Ассамблеясининг 40-сессияси кўриб чиқиши учун тақдим этилган СССРнинг янги таклифи қўллаб-қувватланди. Ана шу муҳим ташаббуснинг амалга оширилиши инсониятни космосда қуролланиш пойгасининг фалокатли оқибатларидан пухта ҳимоя қилишгагина эмас, шу билан бирга барча халқларнинг манфаатлари йўлида биргаликдаги куч-ғайратлар билан фан ва техникани ривожлантириш соҳасида янги чўққилар сари қатъий сакраш қилиш имконини ҳам берган бўлур эди.

Кенгашда қатнашган ва ядро қуроли ҳамма жойда ва батамом тугатилишининг изчил тарафдорлари бўлган давлатлар ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар шундай қуролни биринчи бўлиб ишлатишдан воз кечишлари, унинг синовларини ҳар жиҳатдан тақиқлаш ва бу қуролнинг ҳар қандай формада бундан буён тарқалишига йўл қўймаслик тўғрисида улар илгари олға сурган таклифлар ўз кучини сақлаб қолаётганлигини билдирадилар.

Улар ядро қуролига эга бўлмаган ва ўз территориясида шундай қуролни сақламаётган давлатлар ўзларига қарши ядро қуроли ишлатилмаслиги ҳусусида ишончли халқаро — ҳуқуқий гарантиялар берилиши учун тўла ҳуқуққа эгадирлар, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги шароитда химиявий қуролни, шу жумладан, унинг айниқса, хатарли бўлган бинар хилини батамом тақиқлаш ва тугатиш вазифаси тобора кўпроқ ўткир ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа тусини олмоқда. Реализм ва холис ният ўзаро намоён этилган тақдирда бу вазифани, жумладан, тегишли халқаро битимга риоя этилиши устидан контроллик проблемасини бемалол ҳал этса бўлади. Кенгаш қатнашчилари химиявий қуролни тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартнома бу қуролни батамом тақиқлаш борасидаги умумий куч-ғайратларга кўмаклашган бўлур эди, деб ҳисоблайдилар ва шундай шартномани ишлаб чиқишда қатнашишга тайёрдирлар.

Кенгашда вакиллари иштирок этаётган давлатлар оддий қурол-яроғларни ҳох ялпи ёки регионал даражаларда чеклаш ва қисқартириш, денгизлар ва океанларда қуролланиш пойгасини жиловлаш тўғрисида битимларга эришиш мақсадида конкрет музокаралар ўтказишга яна даъват этадилар.

Улар ўзгалар территориясидаги чет эл ҳарбий базалари тугатилиши ва қўшинлар олиб чиқиб кетилиши мақсадида халқаро кўламда яна куч-ғайрат сарфланишини ёқлаётган позицияси ўзгармас эканлигини ҳам тасдиқлайдилар.

Кенгашда қатнашаётган давлатлар ишлаб турган кўп томонлама анжуманларнинг — қуролсизланишга бағишланган Женева конференцияси, Стокгольм конференцияси, Вена музокараларининг самарадорлигини ошириш, қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланишнинг ҳозирги вақтда музокаралар ўз ичига олмаган масалаларини самарали равишда муҳокама эта бошлаш зарур, деб ҳисоблайдилар. Улар барча қурол турларини чеклаш, қисқартиришга, аслаҳахоналардан чиқариб ташлашга ва тенглик ҳамда баб-баравар хавфсизлик принципларига риоя этилган тақдирда бошқа давлатлар билан тузилган битимлар асосида уларни абадий йўқ қилиб ташлашга тайёрдирлар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш проблемаларига оид ҳар қандай амалий ташаббусларни ҳамиша ғоят зўр эътибор билан кўриб келдилар. Улар бундан буён ҳам шундай қилаверадилар.

Кенгашда вакиллари қатнашаётган социалистик давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби мўътабар анжуманнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш ишига қўшадиган ҳиссаси оширилишини ёқлаб фикр билдирадилар.

Бундан 40 йил муқаддам антифашист коалициясига кирган халқлар ҳозирги ва келгуси авлодларни уруш офатларидан халос этиш, тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш мақсадида тузган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти универсал ташкилотга айланди. Ташкилот миллатларнинг урушнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларини мувофиқлаштириб турувчи марказ бўлишдек ўзининг асосий вазифасини тўла даражада бажариши зарур. БМТ Уставида эълон қилинган юксак мақсадлар ва принципларга қатъий риоя қилиш—тинчликни сақлаб қолишнинг зарур омилидир.

IV.

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Румыния Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикасининг олий мартабали раҳбарлари бошқа халқаро масалалар юзасидан фикрлашувлар давомида кенгашда вакиллари қатнашаётган давлатларнинг мавжуд можароли вазиятларни тезроқ бартараф этиш ҳамда Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва жаҳондаги бошқа районларда кескинлик янги манбалари вужудга келишининг олдини олиш мақсадида барча манфаатдор мамлакатлар билан актив баҳамжиҳат иш кўришга тайёр эканликларини уқтириб ўтдилар.

Дунё бўлинмасдир ва ҳозирги кескин халқаро вазиятда ҳар қандай маҳаллий можаро катта, ҳатто кенг миқёсдаги тўқнашувга айланиб кетиш хавфини туғдиради. Империализмнинг зўравонлик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатига, агрессия ҳаракатларига қатъиян чек қўйиш, можароли вазиятларни ва давлатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқини тўла ҳурмат қилиш зарур.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Лотин Америкаси халқларининг мустақиллик ва социал-иқтисодий тараққиёт учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайдилар. Улар тўғридан-тўғри қуролли бостириб кириш хавфи туғилаётган Никарагуага қарши агрессив ҳаракатларни қоралайдилар ва мазкур мамлакат билан бирдамлик изҳор қилдилар.

Социалистик Куба қўллаб-қувватланаяжаги тасдиқланди. Мазкур мамлакатга қарши дўқ-пўписалар ҳамон тўхтамаётир. Марказий Америка проблемаси ташқаридан аралашилмаган ҳолда интервенцияга, дўқ-пўписа ва тазйиққа йўл қўймайдиган сиёсий воситалар ёрдамида ҳал этилиши керак.

Кенгаш қатнашчилари Исроил қўшинлари 1967 йилда босиб олинган барча араб территорияларидан батамом олиб чиқиб кетилиши; фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари, шу жумладан, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз мустақил давлатини тузиш ҳуқуқи амалга оширилиши; мазкур райондаги барча давлатларнинг мустақил яшаш ва ривожланиш ҳуқуқи таъминланиши асосида барча манфаатдор томонлар коллектив куч-ғайрат сарфлашлари йўли билангина Яқин Шарқда ҳар томонлама, адолатли ва мустаҳкам барқарорликка эришиш мумкин, деб қатъий ишонч билдирдилар. БМТ раҳбарлигида барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, Фаластин озодлик ташкилоти иштирокида Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция ўтказилиши ана шунга олиб борувчи амалий йўлдир. Араб мамлакатлари ва Фаластин ҳаракати бирлигининг мустаҳкамланиши Яқин Шарқ проблемаларини ҳал этишга кўмаклашган бўлур эди.

Ливан ичкарисидаги проблемаларни ливанликларнинг миллий тотувлиги ҳамда Ливаннинг суверенитети ва териториал бутунлигини сақлаб қолиш, Эрон билан Ироқ ўртасидаги урушни тезроқ тўхтатиш, Форс кўрфази районидаги вазиятни барқарорлаштириш асосида бартараф этиш Ер куррасининг ана шу қисмида тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилган бўлур эди.

Кенгашда Кипр проблемасини БМТнинг мавжуд қарорлари асосида ҳар иккала жамоанинг қонуний манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ва Кипр республикасини мустақил, суверен, ягона ва территориал бутун, қўшилмаган давлат сифатида сақлаб қолиш асосида музокаралар олиб бориш йўли билан сиёсий жиҳатдан адолатли бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

Кенгаш иштирокчилари Афғонистон билан Покистон ўртасида масалани сиёсий жиҳатдан бартараф этишга эришиш мақсадида олиб борилаётган музокараларда БМТ Бош секретарининг шахсий вакили орқали сарфланаётган куч-ғайратларни қўллаб-қувватлайдилар.

Корея Халқ Демократик Республикасининг Корея ярим оролида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, Кореяни тинч демократик асосда бирлаштиришга қаратилган куч-ғайратлари ва ташаббуслари қўллаб-қувватланиши айтилди.

Осиё ва Тинч океани ҳавзасида тинчлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши, Жануби-Шарқий Осиёдаги мавжуд проблемалар сиёсий воситалар ёрдамида ҳал этилиши, мазкур регионларда ишонч ва хавфсизликнинг мустаҳкамланиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш, шу мақсадда халқаро конференция чақириш муҳим ишдир.

Тинч океани жанубий қисмидаги давлатларнинг ядросиз зонани вужудга келтиришга оид куч-ғайратлари ялпи хавфсизликни таъминлаш манфаатларига хизмат қилади.

Африка жанубидаги аҳволни кўриб чиқиш вақтида СВАПО раҳбарлигида Намибия халқи ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган фидокорона кураш қўллаб-қувватланаяжаги изҳор қилинди. Намибияга дарҳол мустақиллик берилиши зарурлиги таъкидланди. Кенгаш қатнашчилари Жанубий Африка республикасида ўтказилаётган апартеид сиёсатини, африкалик туб аҳолига қарши оммавий жабр-зулмни қатъиян қоралайдилар, Претория иркчи режимига берилаётган мадад тўхтатилишини талаб қиладилар. Улар империалистик кучларнинг Анголага ва Африка жанубидаги бошқа давлатларга қарши агрессив ҳаракатларига, мазкур мамлакатларнинг ички ишларига аралашувларига, ҳарбий интервенцияга чек қўйилишини талаб қиладилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар БМТ Бош Ассамблеясининг 40-сессиясида уруш ҳолатидаги давлатларга дарҳол уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва музокаралар бошлашга ўтиш тўғрисида даъватнома қабул қилиш, шунингдек, БМТга аъзо бўлган барча давлатларга уларни можаролар ва низоли масалаларни сиёсий йўл билан ҳал этишга даъват этувчи мурожаатнома қабул қилиш тўғрисидаги Руминия Социалистик Республикасининг таклифини қўллаб-қувватлайдилар.

Халқаро ишларда қўшилмаган мамлакатлар ҳаракатининг роли ўсиб бораётганлиги уқтириб ўтилди. Кенгашда вакиллари қатнашаётган социалистик давлатлар халқаро иқтисодий проблемаларни ҳал этишда, қўшилмаслик ҳаракати мустақиллигини, бу ҳаракат асосланган принципларни тўла-тўкис ҳурмат қилиб, бундан буён ҳам уруш хавфини бартараф этиш, қуролсизланиш ва тинчлик учун, кескинликни юмшатиш учун, янги мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, миллий мустақиллик учун курашда қўшилмаган мамлакатлар билан бундан буён ҳам актив ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Улар экономика, фан ва техника соҳасидаги халқаро алоқаларни нормаллаштириш, қандай бўлмасин сунъий тўсиқлар ва камситувчи чеклашларни бартараф этиш учун иқтисодий муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш тадбирлари учун, халқаро иқтисодий муносабатларнинг бутун системасини адолатли ва демократик асосда қайта қуриш, янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш, суст ривожланишга барҳам берилиши учун қатъий курашадилар.

Эски ва янги мустамлакачиликнинг оғир оқибатларидан бири, халқаро ҳаёт чигаллашаётганлигининг омили бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзи проблемаси шошилинч бартараф этилишни талаб қилади. Социалистик давлатлар халқаро валюта — молия муносабатлари тартибга солиниши учун, бу муносабатлар сиёсий тазйиқ ва ички ишларга аралашув воситасига айланмаслиги учун курашадилар. Кенгаш иштирокчилари энг муҳим халқаро иқтисодий проблемаларни, шу жумладан, ташқи қарз проблемасини кенг миқёсда ва адолатли ҳал этиш мақсадида барча давлатларнинг иштирокида БМТ доирасида конкрет амалий музокараларни тезроқ бошлаш зарур деган фикрни билдирадилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга ўтиш масалаларини инсоният дуч келаётган бошқа кенг миқёсдаги проблемаларни ҳал этиш: иқтисодий қолоқликка барҳам бериш, очлик, қашшоқлик, юқумли касалликлар, саводсизликни тугатиш; инсониятнинг энергетика, хом ашё ва озиқ-овқат ресурсларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш; табиий муҳитни муҳофаза қилиш; жаҳон океани ва космосни тинч ўзлаштириш билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқмоқдалар.

Агар мазкур проблемалар жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан ҳал этилмаса, бу проблемалар янада кескинлашиши, халқаро кескинликнинг янги манбалари вужудга келиши муқаррардир. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш, давлатларнинг, биринчи навбатда йирик ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатларнинг ҳарбий харажатларини анча қисқартириш, тежалган маблағнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ва социал эҳтиёжларига сарфлаш — ана шу проблемаларни муваффақиятли ҳал этишнинг зарур шартидир.

Ҳозирги вақтда фан-техника революцияси ютуқлари ва инсоният хўжалик турмушининг интернационаллашуви жараёни ривожланиши туфайли илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари халқаро программаларини амалга ошириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини кўп марта оширишга қодир бўлган техника ва технологияларни яратиш мумкин бўлиб қолди. Аммо бундай программалар қандай мақсадга қаратилиши муҳимдир.

Ҳозирги шароитда халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни фақат тинчлик мақсадларига бўйсундириш ва унга ялпи тус бериш зарурлигига кенгаш қатнашчиларининг ишончи комил. Инсон даҳосининг янги ютуқлари миллатлар ўртасидаги ихтилофларнинг сабаби бўлмай, балки бу ютуқлар умумий манфаат йўлида коллектив равишда фойдаланишнинг ғоят ишончли гарантияси бўлади. Бу соҳадаги ягона ялпи программани электроника, робот техникаси, биотехнологиядан, ядро физикасидан ҳамда ҳозирги фан ва техниканинг бошқа энг муҳим йўналишларидан умуминсоний вазифаларни ҳал этишда фойдаланиш каби мақсадларга бўйсундириш мумкин бўлур эди. Кенгашда қатнашувчи давлатлар шундай программани ишлаб чиқиш ва амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшишга тайёр эканликларини билдирадилар.

V.

Ҳозирги халқаро вазиятда социализм ва коммунизм қурилишида туб манфаатлар ҳамда мақсадларнинг, маркс-ча-ленинча дунёқарашнинг муштараклиги билан бирлашган социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш айниқса катта аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан кенгаш қатнашчилари Варшава Шартномаси туфайли бунёдга келган ҳарбий-сиёсий иттифоқнинг ғоят муҳим ролини таъкидладилар. Бу иттифоқ мана 30 йилдирки, қардош халқларнинг тинч бунёдкорлик меҳнатини пухта қўриқлаб келмоқда, Европада ва умуман жаҳонда тинчликни сақлашнинг муҳим омилидир.

Иттифоқчи давлатлар Варшава Шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида якдиллик билан қабул қилган қарор уларнинг дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, халқаро ишларда келишиб олинган йўлни биргаликда ўтказишга бўлган қатъий иродасини акс эттиради.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар барча соҳаларда ўзларининг миллий ва интернационал манфаатларини уйғун равишда қўшиб олиб бориш асосида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган йўлни бундан буён ҳам изчиллик билан ўтказаверадилар. Улар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, қардош мамлакатлар халқларининг фаровонлигини янада ошириш негизида уларни жўшқин социал-иқтисодий ривожлантириш мақсадида куч-ғайратларни яна ҳам кўпроқ даражада бирлаштириш ниятидадирлар. Улар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгашида белгиланган иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик ва кооперацияни айниқса устун йўналишларда кенгайтириш, социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш соҳасидаги тадбирларни тезроқ амалга оширишга катта аҳамият бермоқдалар.

Кенгаш қатнашчилари қардош партиялар ўртасида социалистик, коммунистик қурилиш тажрибасини ўзаро ўртоқлашишни бундан буён ҳам кенгайтиришга, улар ўртасида алоқаларни, ҳукуматлар ва парламентлар, министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари ўртасидаги мулоқотларни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишга азму қарор берганликларини билдирдилар. Улар фан, маданият ва маориф соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштириш, туризм ва маҳаллий алоқаларни, гражданлар ўртасидаги мулоқотларни кенгайтиришни рағбатлантириш ниятидадирлар.

Кенгашда вакиллари иштирок этаётган социалистик мамлакатларнинг баҳамжиҳат ҳаракати улардан ҳар бирининг ва умуман жаҳон социализм системасининг манфаатларига мос бўлиб тушишига ишончи комил бўлган давлатлар бундан буён ҳам бошқа барча социалистик давлатлар билан муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилаверадилар. Шу муносабат билан улар тинчлик, социализм учун, империализмга қарши курашда Хитой Халқ Республикаси билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишга тайёр эканликларини билдирадилар.

Кенгаш қатнашчилари Европани бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий гуруҳларга парчалаш социалистик мамлакатлар танлаган йўл бўлмаганлигини эслатиб ўтадилар. Бироқ ҳозирча НАТО ҳарбий блоки мавжуд экан ва Европа тинчлиги ҳамда ялпи тинчликка хавф-хатар сақланиб қолаётган экан, социалистик давлатлар ўзларининг мудофаа иттифоқини мустаҳкамлайверадилар. Шу билан бир вақтда улар Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТОни бир вақтнинг ўзида тарқатиб юборишга, биринчи қадам сифатида эса уларнинг ҳарбий ташкилотларини тугатишга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар.

Софиядаги кенгаш давомида унинг қатнашчилари эрксевар халқларнинг гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонган ғалабасининг буюк жаҳоншумул тарихий аҳамиятини таъкидладилар. Шу ғалабанинг 40 йиллигини планета халқлари кенг кўламда нишонладилар.

Ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқларнинг иродасини ҳеч қандай куч бука олмаслигини; социалистик тузумни енгиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар муқаррар мағлубиятга маҳкум эканлигини; жаҳонга ҳукмронлик қилиш режаларини тузаётган империалистик доираларнинг кирдикорларига нисбатан халқлар ҳушёр бўлиб туришлари кераклигини тарих тажрибаси кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушининг сабоқлари бошқа нарсани ҳам тасдиқламоқда: агрессия ва урушга қарши, тинчлик ва ялпи хавфсизлик учун курашда давлатлар, шу жумладан, турли социал системалардаги давлатларнинг актив ҳамкорлик қилиши зарур ва мумкин. Бинобарин, вақт ғанимат, ҳали бомбалар ёғилиб, ракеталар учирила бошламасдан туриб бунга эришиш лозим.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европадаги ва бошқа қитъалардаги барча мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳамда халқларига мурожаат этиб, инсоният боши узра пайдо бўлган ялпи қирғин хавфига қарши курашда куч-ғайратларни бирлаштиришга, барча, ҳатто энг ўткир ва мураккаб халқаро проблемаларни томонларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олиш асосида сиёсий воситалар, музокаралар олиб бориш, самарали мулоқот йўли билан ҳал этишга даъват қиладилар. Дунёқарашдаги, сиёсий эътиқод ва бошқа эътиқодлардаги тафовутлар бунинг учун тўсиқ бўлмаслиги керак. Тинчлик кучлари актив ва жипслашган ҳолда ҳаракат қилиб, ядро ҳалокатининг олдини олишга, халқларнинг энг олий ҳуқуқи — тинч яшаш, мустақил ва эркин ривожланиш ҳуқуқини таъминлашга қодирдирлар.

Болгария Халқ Республикаси номидан
Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси
Тодор ЖИВКОВ

Венгрия Халқ Республикаси номидан
Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Бош секретари
Янош КАДАР

Германия Демократик Республикаси номидан
Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси
Эрих ХОНЕККЕР

Польша Халқ Республикаси номидан
Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари,
Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси
Войцех ЯРУЗЕЛЬСКИЙ

Руминия Социалистик Республикаси номидан
Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари,
Руминия Социалистик Республикаси Президенти
Николае ЧАУШЕСКУ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари
М. С. ГОРБАЧЕВ

Чехословакия Социалистик Республикаси номидан
Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари,
Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти
Густав ГУСАК

София шаҳри, 1985 йил 23 октябрь.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИ КЕНГАШИНИНГ

АХБОРОТИ

1985 йил 22—23 октябрда Софияда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши бўлди.

Кенгашда:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Тодор Живков; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Гриша Филипов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри Петр Младенов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР халқ мудофааси министри Добри Журов; БКП Марказий Комитетининг секретари Димитр Станишев;

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик ишчи партияси Бош секретари, делегация бошлиғи Янош Кадар; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Дьердь Лазар, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Матьяш Сюреш; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри Петер Варкони; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри Иштван Олах;

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Эрих Хонеккер; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Герман Аксен; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Гейнц Гофман; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Эгон Кренц; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Гюнтер Миттаг; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри Оскар Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси, делегация бошлиғи Войцех Ярузельский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Юзеф Чирек; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Збигнев Месснер; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри Стефан Ольшовский; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПХР миллий мудофаа министри Флориан Сивицкий;

Руминия Социалистик Республикасидан — Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти, делегация бошлиғи Николае Чаушеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР Ҳукуматининг Бош министри Константин Дэскэлеску; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР миллий мудофаа министри Константин Олтяну; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Петру Енаке; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Штефан Андрей;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, делегация бошлиғи М. С. Горбачев; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов; КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков; КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи савдо министри Б. И. Аристов;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти, делегация бошлиғи Густав Гусак; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР Ҳукуматининг Раиси Любомир Штроугал; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Васил Биляк; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Милош Якеш; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Богуслав Хнеупек; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министри Милан Вацлавик қатнашдилар.

Кенгаш ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов ҳам иштирок этди. Болгария Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Марий Иванов бўлиб ўтган кенгашда Сиёсий маслаҳат комитетининг бош секретари бўлди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков Сиёсий маслаҳат комитети кенгашини очди.

Кенгашда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти Густав Гусак; Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков; Венгрия Социалистик ишчи партияси Бош секретари Янош Кадар навбатма-навбат раислик қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари Европадаги вазиятни атрофлича кўриб чиқдилар ва умуман халқаро муносабатларнинг туб проблемалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Тинчлик учун, Европада ва бутун дунёда ядро уруши хавфини тугатиш ҳамда вазиятни яхшилик сари буриб юбориш, космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш ва қуролланиш пойгасини, аввало, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун, тинч-тотув яшаш негизида давлатлараро муносабатларни кескинликни юмшатиш ва тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорлик изига қайтариш учун курашнинг муҳим вазифаларига асосий эътибор берилди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳамкорлигининг муҳим масалалари юзасидан самарали фикрлашиб ҳам олинди. Халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштириш, иттифоқчи мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг хавфсизлигини пухта таъминлаш йўлини амалга оширган чоғда шу давлатлар биргаликда ҳаракат қилишининг аҳамияти кенгашда таъкидланди.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши қатнашчилари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа-сиёсий иттифоқи фаолиятига тўхталиб, 1983 йилнинг январида Прагада бўлган ундан аввалги кенгашдан буён ўтган давр ичида ташқи ишлар министрлари комитети ва мудофаа министрлари комитети ишига ижобий баҳо бердилар ва бундан кейинги вазифаларни белгиладилар.

Сиёсий маслаҳат комитети бирлашган Қўмондонлик қилган амалий иш тўғрисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари Бош қўмондонининг докладини тинглаб, тегишли қарор қабул қилди.

Кенгашда «Европа ва жаҳон ишларида ядро уруши хавфини йўқотиш ҳамда яхшилик сари бурилиш учун» Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Баёноти якдиллик билан қабул қилинди, Баёнот алоҳида эълон қилинмоқда.

Кенгаш ўтказилган мамлакат бўлмиш Болгария Халқ Республикаси Баёнотни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида тарқатишни таъминлайди ҳамда уни Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган барча давлатларнинг маълумотига етказади, деб келишиб олинди. Бунда уларнинг диққат-эътибори Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Баёнотда баён этилган тинчлик ташаббуслари ва таклифларига қаратилади.

Кенгаш дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорлик вазиятида ўтди. У Европа ва жаҳон сиёсатининг муҳокама қилинган туб проблемалари юзасидан Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг қарашлари якдил эканини намойиш қилди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши Венгрия Халқ Республикаси пойтахти — Будапештда ўтказилади.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

АЖОИИБ НАСИҲАТЛАР

Ҳикматнома

ЗИЁ ВА БОБО ҲИКОЯТИ

Кичкинтой Зиё қариндошлар ичида, шоир бобосининг ёнида эркаланиб ўтириб, суҳбат тинглар эди. Амаки ва тоғалар арақнинг касофатлари ҳақида қизғин баҳс қилиб ўтиришарди. Кичкинтой Зиё уларнинг баъзи гапларига тушунса, баъзисига тушунмай, оғзини хиёл очганича ўтирарди. Суҳбат бир зумга тўхтаганда у бобосининг қўлини силкиб:

— Бобо, арақ нима дегани?— деб қолди.

Бобо унинг бошини силади, кулиб туриб бир шеър ўқиди.

Зиёнинг опаси ва акалари ҳам шу даврада ўтиришган эди. Опаси ирғиб туриб қоғоз-қалам олди ва арақ сўзини ёзиб, Зиёга узатди ва унинг терсидан ўқишга буюрди. Зиё кичкина бўлса ҳам йирик ҳарфли хатларни ўқишни ўрганиб олган эди. Ёзувни ўқиган эди, «қара» сўзи чиқди. Зиё бундан жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Ана, кўрдингми, — деди бобоси, — арақ сўзининг ўзиёқ одамларга: «Мен заҳарман, нима қилаётганингни ўйла, орқа-олдингга «қара» деб турибди.

Бобо шундай деб китоби орасидан бир варақ қоғоз олди ва ундаги мана бу шеърни ўқиди:

Дўстлар, не қилса мени ярамас арақ қилди,
Қилмишлари қораю, аммо ўзи оқ қилди.
Ҳар ҳўпламда бир шодлик ваъда инъом қилди-ю,
Ҳар томчи-ла юракни тилкаю-тароқ қилди.
Шиша ичида кулиб, деди сенга йўлдошман,
Аммо бола-чақадан бир умр узоқ қилди.
Арақхўр улфатларни бойлик қилиб кўрсатиб,
Аммо асл бойликни совуриб чатоқ қилди.
Дунёда ҳеч тенгги йўқ асл фирибгар экан,
Ақлимни вайрон қилиб, бошимни ҳовоқ қилди.
Соғлиғу куч-қувватим совурилди ҳавога,
Ҳар турли касалликлар ўртада сўроқ қилди.
Арақхўр дўстларимга чиндан меҳр қўйгандим,
Пўстимга сомон тиқиб, қаддимни ўроқ қилди.
Муҳиббийга арақдан энди асло сўз очманг,
Шъерини унга қарши қайралган яроқ қилди.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.



«БАХТИЁР БОЛАЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ»

• Турмуш чорраҳаларида

БУРЧ

В. И. Ленин номли метростанциясининг шундоққина ёнидаги маршрутли такси бекатида кишилар турнақатор навбатга тизилишган. Улар сафига мен ҳам қўшилдим.

— Эсингни йиғ Азиза, ўйлаб гапиряпсанми?

Бехтиёр овоз келган томонга ўгирилиб қарадим. Икки-уч қадам нарида ўн олти ёшлар чамасидаги икки қиз гаплашиб туришарди.

— Нима қилай, отам, айниқса онамнинг менга меҳри йўқ. Уришаверадилар, қарғайверадилар. Бу уйдан кетаман. Сиқилиб кетдим.

— Бекорга уришмасалар керак ахир, — андак жаҳли чиқинқираб сўради дугонаси.

— Сабабсиз қарғайверганларидан кейин мен ҳам айтган ишларини қилмайман, гап қайтараман-да.

— Эҳтимол, буюрган иш-юмушларини ўз вақтида бажармагач, сени қарғасалар керак.

— Ўшани бажарсам бўлдими? Нима фарқи бор?

— Қани бу ёққа юр-чи.

Азизанинг дугонаси уни кишилардан холироқ тарафга бошлаб кетди.

Ажаб, ёшгина, ҳаётга энди кириб келаётган бир қиз падари-ю волидасини бемеҳрликда айбласа қизиқ туюларкан. Врачлар бемор йигит буйрагини олиб ташлаб унга ота-онасидан операция йўли билан олинган буйракни ўрнатганини кимдандир эшитган эдим. Бу уйдан кетаман дейдими? Хаёлпарастлик ҳам йўли билан-да. Тўғри, эҳтимол, айрим чет эллардаги бунинг ёшидагилар туғилган уйларини тарк этишар ҳозир ҳам. Аммо улар бир бурда нон илинжида шундай қилишади. Аммо бунчи? Айни ўйнаб-куладиган, ўқиб-ўрганиб ўз маънавий дунёсини бойитадиган бир фурсатда сиқилиб кетдим деб ўтирса?!

Катталарнинг ёшлар ҳали тўла ҳис қилмайдиган ўз дунёлари бор. Улар бу оламда баъзан қувонишади, баъзан ранжишади. Ҳа, Азиза буни тасаввур қилса ёмон бўлмасди. Ўзининг хатти-ҳаракатига шу нуқтаи-назардан баҳо берса ёмон бўлмайди.

Йиллар кўп ўтмай уни ҳам жамият олдидаги ўз бурчи-ю, масъулиятини ҳис этиши лозим бўлган кишилар сафига етаклайди-ку. Бунга ҳозирдан ўзини шайламаса, кейинчалик қийналиб қолмасмикин?

Мен Азизанинг дугонаси ўз ўртоғига шуларни айтишини, тушунтиришини жуда-жуда истар эдим.

Саноат РЎЗИМАТОВА.

• Наботот — ҳаёт манбаи

Пиёзнинг хосияти

Пиёз лоладошларга мансуб бўлган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Пиёзнинг шифобахшлиги қарийб тўрт минг йиллар муқаддам Шарқ мамлакатларида аён эди. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино асарларида пиёз ҳақида шундай ёзган. «...уруғи доғни кетказади. Туз билан қўшиб ишлатилса сўгалларни кўпоради. Суви чиркин яраларга фойда қилади. Қулоқ шанғиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлишида қулоққа томизилади, кўзни равшан қилади».

Пиёз ичакнинг ўқтин-ўқтин оғришида, сариқ хасталигида, колит, атеросклероз, витаминлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлган хасталикларда, тумов, чипқонга қарши омил сифатида ишлатилиб келинган.

Хўш, пиёзнинг бу қадар шифобахшлигига сабаб нима? Сабаби, таркибидаги жуда кўп доривор моддалардир. Чунончи, унинг таркибида (пиёз бошисида) эфир мойлари, қанд, инулин, фитин, азотли бирикмалар, кверцетин, пектин, дигидроаллин, инсон ҳаёти учун зарур бўлган витаминлар — С, В1, В2 ва каротин бор. Кўкатида эса провитамин, анбар мойини, олма ва лимон кислотасини сақлайди. Пиёз бўтқасида бир қатор микро аъзоларга замбуруғ ва тажовузкор микробларга таъсир этувчи хусусияти бор. Буни медицинада фитонцидлик хусусияти деб юритилади.

Пиёз киши организмида қанд салмоғини камайтириш хосиятига ҳам эга. Буғда пиширилган ёки кўрга кўмилган пиёз зарранг, чипқоннинг етилишига ёрдам беради.

Болгариялик олимлар фикрига кўра, тумов, гриппда барра пиёз шарбати билан намланган пилик бурун найларига қўйилса, яхши самара беради. Яқинда пиёзнинг қон босимини пасайтириш хусусияти борлиги аниқланди.

Лекин кўк пиёзни кўп суиистеъмол қилиб ҳам бўлмайди, ошқозон-ичак йўли, жигар ва буйраклар фаолияти суст бўлган кишиларга кўк пиёз нохуш таъсир кўрсатиб, асоратлар беради. Чунки пиёзда эфир мойлари ва пурин моддаларининг салмоғи катта. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани каби, пиёзни истеъмол қилишнинг ҳам маълум даражаси бўлмоғи лозим.

М. МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

«ОНА ТАБИАТ ҚУЧОҒИДА»

ЖОНИ-ЖОНИМГА ПАЙВАНД

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Онадан сўрабдилар:
— Дунёда энг ширин нима!
— Фарзанд, — дебди она.
Боладан сўрабдилар:
— Энг ширин нима!
— Жон.

Она миййиғида кулибди-ю кўнглидан шу гап ўтибди: «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада».

Фарзанди ўсиб-униб вояга етибди. Уйлик, жойлик, увалик-жувалик бўлибди.

Ундан сўрабдилар:
— Дунёда энг ширин нима!
— Фарзанд, — дебди у.
Боладан сўрабдилар.
— Энг ширин нима!
— Жон ширин.

Она мамнун жилмайибди.

— Жонимга жонинг пайванд эканлигини билдинг.

Бу ором бахш этган дақиқалар она қалбига ғазал бўлиб қуйилибди.

Мушарраф ЗАЙНИДДИНОВА.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

АЛЖИРАШ

— Доктор, агар мен тузалиб кетсам янги касалхонангиз учун 500 минг доллар сарф қилардим, — хириллади касал бўлган миллионер.

Бир неча ойдан кейин врач собиқ мижозини учратди. Унинг соғлиғи яхши эди:

— Ўзингизни бардам ҳис қилаётганингиздан жуда хурсандман, — деди врач, — сиз билан янги касалхона қуриш учун ваъда қилган маблағингиз ҳақида гаплашиб олмоқчи эдик.

— Мен ваъда қилдимми?! — ажабланди миллионер. — Шунчалик жиддий оғрибман-да, ҳатто алаҳсираб, алжирабман-да, а?

УЙ-РЎЗҒОР ТАШВИШЛАРИ

ОШХОНАНГИЗДА ҚЎЛЛАНГ

◆ Тухум пўчоғи ҳеч қачон тоза бўлмайди. Уни чақиш ёки пиширишдан олдин тузли сувда ювиб олинг.

◆ Оштахта билан сабзи тахтачаларни қайноқ сувда совунлаб ювиб туриш керак. Бундай буюмларни чўтка билан тозалаш қулай бўлади. Сўнгра совуқ сувда яхшилаб ювиб, шамоллатиб қуритилади.

◆ Хамир маҳсулотлар қовуриладиган ёғга бир чой қошиқ сирка солинса ва олов кучли бўлмаса маҳсулот унчалик мой шиммай пишади, уни еганда ёғ кўнгилга урмайди.

◆ Саримсоқ пиёз тозалагандан кейин қўлни туз билан ишқаб ювилса ҳеч қандай ҳид қолмайди.

◆ Ийлаб кўпиртирадиган тухум оқига жиндаккина туз ташланса у тез кўпиради ва кўпик турғун бўлади.

◆ Жигарнинг сиртига пахта ёғи суртиб қўйилса, бир неча кунгача яхши сақланади.

◆ Гўштга туз сепиб қовурсангиз сели яхши чиқади ва мазали бўлиб пишади.

◆ Туз, қалампир ва зираворларни таом тайёр бўлиш олдида солсангиз мазасига яхши татийди.

Суюқ овқатлар шақирлатиб қайнатилса хира тортиб кетади, милдиратиб қайнатсангиз тиниқ бўлади.

• Сайёрамиз сирларини ўрганамиз

Қитъалар сайр этганда

Янги илмий маълумотлар олимларнинг Ер ҳақидаги, унинг тараққиёти тўғрисидаги тушунчаларини қисман ўзгартиб юборди. Жумладан, планетамиз ташқи қиёфаси ва табиий манзарасининг таркиб топишини осонгина тушунтира оладиган материкларнинг силжиши таълимоти яна қайта тикланди ва бу ғоянинг тарафдорлари анчагина кўпайди.

Материкларнинг силжишини аниқлашда қадимда ҳосил бўлган кўмир, муз ётқизиқлари, туз, гипс, тоғ жинсларининг ёши, хосса ва хусусиятлари, иқлим поёслари ва рельеф формаларининг географик тарқалиш қонуниятлари, магнит қутблари ва майдонининг ўзгариши, материкларнинг геометрик кўриниши каби факторлар асос бўлган. Бундан ташқари, Эйлер қутблари ва координаталари ёрдамида олиб борилган ҳисоблар яхши натижаларни берди.

Ҳозирги материклар тахминан 200 миллион йил муқаддам қадимги Пангео номли ягона қуруқликнинг парчаланиши оқибатида аста-секинлик билан ҳосил бўлганлиги ҳаммага маълум. Лекин Ер пўстининг континентал (қуруқлик) ва океан (сув таги) типлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиши турли геологик даврларга тўғри келади. Жумладан, дастлабки Атлантика океани пўстининг шимолий қисмлари 170—160 миллион йил бурун, унинг жанубий қисми ва Ҳинди океани пўстлари эса 130—120 миллион йил аввал ҳосил бўла бошлаган.

1978 йилда совет олимларидан Ю. И. Голушкин билан С. А. Ушаковлар томонидан Ер пўстида еттита йирик — Тинч океани, Евросиё, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Ҳиндистон, Африка, Антарктида ва бешта кичик — Наска, Кокос, Кариб, Сомали, Филиппин каби яхлит плиталар ажратишди. Бу плиталарнинг бир-бирига нисбатан доимо ҳаракатланиб туриши ва уларнинг, асосан мавжуд материкларга ҳамда океан тубларига мос келиши аниқланди.

Сайёҳ плиталар ва қуруқликнинг айримларини бир миллион йил давомида босиб ўтган йўлларини қуйидаги рақамлардан билса ҳам бўлади. Музли Гренландия ороли Европадан 17—22 километр узоқлашди. Шимолий Америка билан Европа материкларининг тескари ҳаракатлари туфайли улар оралиғидаги Атлантика океани 23—25 километр кенгайди. Шу вақт ичида Африка билан Жанубий Америка бир-бирларидан 40 километр, Африка музликлар ўлкаси Антарктидадан 16 километр, Австралия эса Антаркидадан шимолга томон 70—75 километр узоқлашган.

Плиталарнинг ҳаракати Ер пўстида иккита йирик сиқилаётган зоналарни барпо қилди: Анд-Тинч океан қирғоқлари ва Альп-Ҳимолай поёслари, Анд-Тинч океан қирғоқлари поясида охирги бир миллион йил оралиғида катта ўзгаришлар содир бўлди. Жанубий Америка плитасининг тагига океан пўстининг 100 километр кенгликдаги қисми «чўкиб» кетган бўлса Манила чўкмаси орқали 30—45 километр кенгликдаги океан пўсти мантияга шўнғиган. Шунингдек, Курил-Камчатка ёйининг таг қисми орқали 90—100 километр кенгликдаги океан пўстини мантия «ютиб» юборган.

Агар ўлкамизнинг Евросиё ва Ҳиндистон плиталарининг ўзаро яқинлашуви секторида жойлашганлигини ҳисобга олсак келажакда Ўрта Осиёнинг Қоратоғ-Фарғона тизмалари йўналишидан жанубдаги территориялари (Афғонистон тоғлари ҳам шу зонада) сиқилиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Чунки Евросиё ва Ҳиндистон плиталарининг ўлкамиз доирасидаги сиқилиш тезлиги йилига 4—5 сантиметрни ташкил этади. Ҳимолай тоғларида бу рақам 6 сантиметргача етади. Тожикистон ССР территориясидаги Гарм географик полигонида олиб борилган ўлчаш ишлари натижасига қараганда 20 йил давомида Вахш ер ёриғи зонаси 40 сантиметр қисқарган. Ҳозирги кунда ҳам бу майдонлар ҳар йили 2 сантиметрга сиқилмоқда. Хомаки ҳисоб-китобларга қараганда, агар ўлкамиз территорияси шу кундаги тезликда сиқилаверса 10—15 миллион йилдан сўнг Қизилқум, Қорақум, жумладан Тошкент шаҳри ўрнида ҳам Тяньшань тоғлари сингари қорли тоғлар қад кўтаради.

Энг тезкор плиталардан бири ҳисобланган Ҳиндистон плитаси бир миллион йил давомида шимол ва шимолий-ғарб томонга қараб 50—70 километр масофага «сузиб» кетган. Океан пўстларидан Тинч океани плитаси барча плиталарни ортда қолдириб кетди. Бу плита субполяр областида 70 километр, экваторга яқин жойда 100 километр масофага силжиган. Ҳозир шарқий Тинч океани кўтарилмаси ҳар йили бир қаричга яқин, яъни 18 сантиметр ҳаракат қилмоқда. Олимлар бу плитанинг бунчалик жадаллашиб бораётганлигининг сабабини шимолий Эйлер қутби шу плитада жойлашганлигидан аҳтаришмоқда.

Ҳозирги пайтдаги материклар ҳаракатини музикачилар ансамблига қиёслаш мумкин. Материклар ансамблининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, Ер пўстининг сиқилаётган ва кенгаяётган поёслари тектоник, вулканизм, сейсмик жиҳатидан ўта актив ҳисобланади. Шу кунларда содир бўлаётган даҳшатли ва ҳалокатли вулқон отилишлари ва ер силкинишлари худди мана шу поясларга хосдир. Яқин ўн йилликлардан буён давом этиб келаётган ўлкамиз ва унга ёндош территориялардаги зилзилалар юқоридаги айтилганларга исбот бўла олади.

Абдурасул СОАТОВ, СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

РАҚС КОНКУРСИ

Тошкентдаги темирйўлчилар Маданият саройида бал рақсининг анъанавий кузги конкурси ўтказилди. «Силуэт» ансамблидан Оксана Трякина билан Евгений Новорусский конкурсда ғолиб чиқдилар. Иккинчи ва учинчи ўринларни ҳам ана шу ҳаваскорлик коллективи вакиллари эгалладилар. «Силуэт» ансамбли беш йил муқаддам ташкил қилинган эди. Ҳозир бу коллектив айни вақтда ансамбль ва мактабдир. Ансамблга янги кирган кишилар музикани хис этишни ўрганадилар, хореография маҳорати асосларини билиб оладилар.

(ЎзТАГ).

БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН БЕШ «ЭГИЗАК»

Халқаро шашка бўйича «Тошкент тонги-85» Бутуниттифоқ аёллар турнирининг тўққизинчи турида якунланган беш дурангни худди шундай дейиш мумкин. Аммо бу «эгизак»лар асло бир-бирига ўхшашмайди.

Аввало пешқадамларнинг ўйинлари ҳақида. Бу турда тошкентлик Озода Аҳмедованинг рақиби «Тошкент тонги-84» турнирининг кумуш совриндори Татьяна Тетерина бўлди. Баҳс қизғин кураш остида ўтиб, қарийб олти соат давом этди ва дуранг билан якунланди. Ленинградлик Елена Мартьянова эса чирчиқлик мактаб ўқувчиси Гавҳар Норбекова билан бўлган учрашувда устунликка эришишга интилди. Аммо Г. Норбекова унинг ҳужумларини қайтариб, дурангга эришди. СССР экс-чемпиони Алла Хоруженко тошкентлик Вера Савельева билан бўлган учрашувда устунликни бой берди. Вера Савельева истаган дурангига муваффақ бўлди.

СССР спорт мастери нормативини бажаришга ҳаракат қилаётган Нижний тагиллик Татьяна Моржаедова мамлакатимизнинг икки марта вице-чемпиони минсклик Зоя Садовская билан бўлган беллашувда дурангга имзо чекди. Шуни таъкидлаб ўтиш кераккки, Зоя Садовская бу турнирда муваффақиятсиз қатнашмоқда. У ғалаба қозонишга бор кучини сарфлади. Лекин натижа у кутгандек бўлмади. Киевлик Нина Янковская ва Ольга Беляева учрашувида турнирнинг бешинчи дуранги қайд этилди.

Энди мазкур турда ғалаба билан якунланган учрашув ҳақида. Мамлакатимиз экс-чемпиони ленинградлик Людмила Петрова минсклик Ольга Садовскаянинг кескин ҳужумини бартараф эта олмади ва мағлубиятга учради.

Шундай қилиб, тўққиз турдан сўнг О. Аҳмедова, Е. Мартьянова, Т. Моржаедовалар 5 (саккиз ўйинда) очкодан тўплаб турнир жадвалида етакчилик қилишмоқда. Минсклик О. Садовскаяда ҳам шунча очко бор. Аммо у бир ўйин кўп ўйнаган.

Б. КАНИШЧИКЕР, мусобақанинг бош судьяси, халқаро классдаги судья.

• ФАН БИЛАН ИТТИФОҚ БЎЛИБ

СОАТБАЙ ГРАФИК АСОСИДА

«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси экспериментал хўжалигининг коллективи шаҳарликлар, студентлар ва мактаб ўқувчиларининг ёрдамидан воз кечди. Бу эса коллективга пахта тайёрлаш йиллик планини Пахтакор районида олдингилар қаторида бажаришга халақит бермади. Давлатга 4.300 тоннадан кўпроқ юқори навли пахта сотилди.

Хўжалик мутахассислари йиғим-теримнинг соатбай графигини ишлаб чиқдилар. Тракторчилар бўшаб қолган тележкаларни аниқ белгилаган вақтда қолдириб, пахта ортилган тележкаларни олиб кетадилар. Пахта териш машиналари бункердаги пахтани бўшатиш ва шпинделларни ювиш учунгина тўхтатилади. Кеч-қурун машиналар ёнилғи билан таъминланади ва техникавий ҳолати кўздан кечирилади. Механизациялашган отрядларнинг иши аниқ-пухта ташкил этилганлиги хўжалик бошқаларнинг ёрдамидан батамом воз кечишига имкон берди.

Л. ДОЛИНА, ЎзТАГ мухбири. Жиззах области

• БУ ФИЛЬМНИ КЎРДИНГИЗМИ?

«ҚОНУНИЙ НИКОҲ»

«Мосфильм» киностудиясида яратилган «Қонуний никоҳ» ва «Ҳаёт учун хавфли!» номли янги бадиий фильмлар кинотеатрларда муваффақиятли намойиш этилмоқда. «Қонуний никоҳ» фильми мазмунини Тошкентга эвакуация қилинган музика ўқитувчиси Ольга Калинкина билан театр актёри Игорь Волошин ўртасидаги севги тарихи ташкил этади. Ольга безгак билан қаттиқ оғриб қолган, даволаниш учун зудлик билан пойтахтга жўнатиш керак. Бироқ, шафқатсиз уруш шароитида буни амалга оширишнинг иложи йўқ, бунинг устига қизнинг қариндош-уруғлари ҳалок бўлишган. Шунда Игорь қизни зўрлаб ЗАГСга олиб келади, унга «уйланиб», Москвага жўнатмоқчи бўлади. Қиз соғайиб кетгач, яна ажралиб кетишларига ваъда беради. Лекин тақдир уларнинг келажагини бошқача ҳал қилади...

Фильм сценарийсини бир пайтлар эстрада артисти бўлиб ишлаган театр режиссёри ва конферансье Афанасий Белов ўз хотиралари асосида ёзган. У қирқ иккинчи йилдан бошлаб фронт актёрлар бригадасига раҳбарлик қилган, «Сокин бандаргоҳ» ва «Номаълум меросхўр» фильмларига сценарийлар ёзган.

Фильм режиссёри Альберт Мкртчян «Ҳомий», «Мен бошлиқ бўлсайдим...» каби комедиялар, «Саёҳат кўнгилли бўлади» лирик картина, «Санников ери» саргузаштли лента, «Қўрқувга қарши даво» детектив фильмлар муаллифидир.

Асосий ролларни Наталья Белохвостикова ва Игорь Костолевский ижро этишган. Улар бизга гўё «Теҳрон-43» картинасидан чиқиб келгандайлар. Совет разведкачиси Андрей Бородин (Андрэ) ва парижлик аёл Мари Луни қирқ учинчи йилда Теҳронда учрашиб, бирбирларини севиб қоладилар, лекин вазиятнинг хавфли, кескинлиги туфайли бир умрга ажралишга тўғри келади. Шу воқеанинг ўзидаёқ фашизм инсоният учун нақадар хавфли эканлиги, унинг оддий одамлар ҳаётига раҳна солиши таъкидланади. Актёр Игорь Волошин ва музика ўқитувчиси Ольга Калинкина, уларнинг уруш мажруҳ этган тақдири «Теҳрон-43» фильми қаҳрамонларига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Улар — ёшлик даври урушга тўғри келган кишилар авлодидан. Фироқ аламларигина эмас, қатъият ва матонатлари билан, интилишлари билан ҳам улар бир-бирларига яқин турадилар.

СУРАТДА: фильмдан кадр.

ТУЯҚУШ ФАРОСАТЛИ ПАРРАНДА

Хавф туғилган пайтда туяқушлар бошларини қумга яширишини болалигимиздан биламиз. Жанубий Американинг Оудхурн шаҳри яқинида, бепоён яйловларида икки юз мингтача туяқуш етиштирилган фермада яшовчи Аллен Пококнинг таъкидлашича, бу қушлар саноат асосида саксон йил давомида кўпайтириш тарихида бирор марта ҳам бошларини қумга беркитишмаганди, ҳолбуки атрофда қум уюмлари етарли.

Туяқушлар овозни диққат билан тинглаш (маълумки ер бағирлаб келадиган товушлар аниқроқ эшитилади) ёки бўйин мушакларига дам бериш учун бошларини ерга эгади. Қумда ўсувчи емиш бўладиган шох-шаббаларга яширади, бироқ бошини ҳеч вақт қумга кўммайди. Шундай қилган тақдирда чиндан ҳам нафаси бўғилиб ҳалок бўлган бўлур эди.

Моҳир қўллар конкурси

Сартарошлар ва косметологларнинг Тошкентда бўлиб ўтган республика конкурси гўзаллик, нафосат, маҳорат байрамига айланиб кетди. Район, шаҳар, область мусобақаларининг ғолиблари ўз санъатини намойиш қилдилар.

Конкурс программасида 1986—1987 йилларга мўлжалланган прическалар, тантанали маросимлар учун сочни классик ва спорт усулида қирқиш ҳамда кундузи ва оқшомги грим кўзда тутилган. Конкурснинг ҳар бир қатнашчиси ишнинг икки хил турини бажариши керак эди. Мусобақа икки кичик группада: ёшлар (23 ёшгача бўлган мастерлар) ва катта ёшдагилар группасида (23 ёшдан юқори) ўтказилди.

Конкурснинг энг ёш қатнашчиси тошкентлик Рихсивой Содиқов эди. У ажойиб дид ва маҳоратга эга ва энг муҳими ўз касбини астойдил севади. Ана шу фазилатларнинг ҳаммаси ва айни вақтда дўстларнинг мадади ёш сартарош-эркаклар группасида ғолиб чиқишига ёрдам берди. Жюри тошкентлик ёш сартарош қиз Елена Курцеванинг ишига ҳам юқори балл берди.

Хотин-қиз сартарошлар орасида Л. Власенко (Тошкент области) ва Е. Трошкина (Самарқанд области) биринчи ўринларни олдилар.

Нукуслик сартарош Б. Алимов ва тошкентлик П. Исроилов катта ёшлилар группаси орасида энг яхши мастерлар, деб топилди.

Косметологлар мусобақасида тошкентлик Л. Тадевосян ва Н. Вяткина 1-даражали диплом билан тақдирланди.

Команда ҳисобида Ўзбекистон пойтахтининг вакиллари пешқадамлик қилдилар, иккинчи ўринни Тошкент области мастерлари эгалладилар, фарғоналиклар эса учинчи ўринни олдилар.

Ғолиб чиққан барча кишилар ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Қўли гул усталар» нишонлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

(ЎзТАГ мухбири).

СПОРТ КУНДАЛИГИ

МОТОСПОРТ

Республикамиз пойтахтида мотокросс бўйича мамлакатимизнинг кучли спортчилари иштирокида Тошкент биринчилиги бўлиб ўтди. Бу мусобақада СССР Қуролли Кучлари чемпиони, Тошкент Армия Спорт клуби аъзоси, спорт мастери Георгий Бочкарев муваффақиятли қатнашди. У двигателининг ҳажми 500 куб сантиметр бўлган машиналар пойгасида ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни унинг ҳамшаҳри спорт мастери Юрий Александров эгаллади. Умумкоманда ҳисобида ҳам тошкентликлар биринчи бўлишди.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Бухорода бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистоннинг навбатдаги биринчилиги соврини учун қизлар ўртасидаги мусобақалар ниҳоясига етди. Бу баҳсда турнир мезбони Светлана Шаркаева ажойиб ютуққа эришди. Кўпкурашда ғалабани қўлга киритган Светлана Шаркаева СССР спорт мастери нормативини бажарди. Умумкоманда ҳисобида республикамиз пойтахти гимнастикачилари энг яхши натижани кўрсатишди.

ЭРКИН КУРАШ

Венгрия Халқ Республикаси пойтахти — Будапештда эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати тугади. Чемпионатда энг кўп олтин медалларни қўлга киритган Совет Иттифоқи курашчилари умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Мамлакатимиз спортчилари ютуғига тошкентлик хизмат кўрсатган спорт мастери Арсен Фадзаев ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ҳамшаҳримиз 67 килограммгача вазн тоифасида бўлган спортчилар ўртасидаги барча беллашувларда ғолиб чиқди ва иккинчи маротаба қаторасига энг юксак мукофотга сазовор бўлди.

Редактор **Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

1 НОЯБРЬ СОАТ 20.00 ДА

СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати

ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА

Ижодий фаолиятининг 45 йиллигига бағишлаб

ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

«СИЗЛАР БИЛАН ЯНА УЧРАШИШ ОНЛАРИНИ КУТЯПМАН...»

(4 қисмдан иборат хореографик композиция)

Г. СУТЯГИНА **либреттоси.**

ПОСТАНОВКАЧИ-БАЛЕТМЕЙСТЕРЛАР — **СССР халқ артисти, СССР ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Г. ИЗМАЙЛОВА, Варнада бўлиб ўтган балет артистлари халқаро конкурсининг лауреати В. ФЕДЯНИН.**

РАССОМ — **Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Т. ШОРАҲИМОВ.**

Бадиий раҳбар — Г. СУТЯГИНА.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

1985 ЙИЛ 25 ОКТЯБРДА

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ МАГАЗИНЛАРИДА

«Қаноатлантирилмаган талабларни ҳисобга олиш куни»

ЎТКАЗИЛАДИ

АНА ШУ КУНИ СИЗЛАРНИ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРИШИНИ ВА МАГАЗИНЛАРНИНГ ИШИГА ОИД ЎЗ ЕЗМА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ ҚОЛДИРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ:

— харидорларга хизмат кўрсатиш савияси;

— олдиндан буюртмалар қабул қилиш ва уларни бажаришни ташкил этиш;

— китоблар ассортиментининг ўқувчилар талабига мос келиши ва ҳоказолар.

ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЎЗ МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ БИЛАН ЎРТОҚЛАШИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ:

— китоб магазинларида олинаётган нашрлар ҳақидаги ахборотлардан тўлиқ фойдаланадими ё йўқми?

— китобларнинг мазмуни, бадиий безаги ва полиграфик ижроси сизни қаноатлантирадими ё йўқми?

— қандай китобларни қайта нашр этиш зарур?

(асарнинг автори, номи, нашриёт ва у чоп этилган йил).

СИЗНИНГ ИСТАК ВА ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА НАШРИЁТЛАРИГА ТУРЛИ МАВЗУДАГИ АДАБИЁТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАРНИ ТЎЛИҚРОҚ ЎРГАНИШ ВА КИТОБЛАР ЧИҚАРИШНИ ПЛАНЛАШТИРИШДА, УНИ ҲИСОБГА ОЛИШДА КАТТА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АЁЛЛАРНИНГ УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИЛАР. **Ўқиш муддати 12 ой;**

ШАХСИЙ БУЮРТМАЛАР АСОСИДА ОЁҚ КИЙИМЛАРИ ТИКУВЧИ ПОЙАФЗАЛЧИЛАР. **Ўқиш муддати 8 ой.**

ОЁҚ-КИЙИМЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ПОЙАБЗАЛЧИЛАР. **Ўқиш муддати 4 ой.**

Ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия тўланади.

ЎҚИШГА 16 ДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга мандат комиссиясида суҳбатлашиш йўли билан қабул қилинади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқишни битирганлар Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига ишга юборилади.

АРИЗАЛАР 15 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), мактаб ёки иш жойидан характеристика, фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700053, Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси,9-уй, (2, 16-трамвай лар; 19, 156-автобусларнинг «Узбексельмаш» бекати, Справкалар учун телефон: 35-25-64.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАХАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ ВА МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ҲАМДА КОММУНАЛ-МАИШИЙ КОРХОНАЛАР ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗИ РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИНИНГ ПРЕЗИДИУМИ

БАДИИЙ СУВЕНИР-СОВҒА БУЮМЛАРИ УЧУН

ОЧИҚ КОНКУРСЛАР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРСЛАР: **КПСС XXVII съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига** (1986 йил 15 январгача) **ва Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивалига** (1986 йил 1 апрелгача) **бағишланган.**

ЭНГ ЯХШИ СУВЕНИР-СОВҒА БУЮМЛАРИ НАМУНАЛАРИ УЧУН МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНГАН.

Конкурсларда корхоналарнинг коллективлари, алоҳида рассомлар, ҳунарманд усталар иштирок этишлари мумкин.

Конкурс шартлари билан қуйидаги адресда батафсил танишиш мумкин: 700115, Тошкент шаҳри, ЧГСП, «Узместпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефон 76-47-11.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/Х да **Тоҳир ва Зуҳра.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/Х да **Олтин девор,** 25/Х да **Парвона,** 26/Х да **Юлдузли тунлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/Х да **Хотинимнинг эри,** 25/Х да **Олифта,** 26/Х да **Узилган торлар.**

кино

24 ОКТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУРМУШГА ЧИҚМАНГ, ҚИЗЛАР» — **Санъат саройи** (жуфт соатларда телефонлар: 44-21-34, 44-21-44,44-21-74), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ТОМОШАБИНЛАР ЭРКАТОЙИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ПАЛЕРМОДА ЮЗ КУН» **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (17,20.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-7)5.

«ОЛТИН ТЮЛЕНЬ» — **Ватан** (тоқ соатларда).

«ШАФҚАТСИЗ РИНГ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«МЕН САЙЛАГАН ОДАМ» — **Искра** (жуфт соатларда телефон 39-14-59).

«ПЕШҚАДАМ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«КОТ ИЗДАН БОРАДИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06).

«РАҚИБЛАР» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

25 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУРМУШГА ЧИҚМАНГ, ҚИЗЛАР» — **Санъат саройи** (жуфт соатларда, телефонлар: 44-21-34, 44-31-44, 44-21-74), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ТОМОШАБИНЛАР ЭРКАТОЙИ» —**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ПАЛЕРМОДА ЮЗ КУН»— **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** 11,14,17, 20.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ШАФҚАТСИЗ РИНГ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«МЕН САЙЛАГАН ОДАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ДАЛА ҚУРИҚЧИСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«РАҚИБЛАР» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

КЕРАКЛИ АДАБИЁТЛАР МАСКАНИ

СИЗГА КЕРАКЛИ АДАБИЁТЛАРНИ ТОПИШ ЗАРУР БЎЛИБ ҚОЛСА,

«ТЕХНИКА АДАБИЁТЛАРИ» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ

МАГАЗИНДА ҚУЙИДАГИ МАВЗУЛАР БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН:

мутахассислар учун илмий адабиётлар:

назарий ва амалий билимларга доир дарсликлар ва ўқув қўлланмалари;

олий ўқув юртлари ва техникумлар учун мўлжалланган машқлар тўпламлари, ўқув-методика қўлланмалари; халқ хўжалиги мутахассислари учун бошқаришга доир ишлаб чиқариш адабиётлари, ишчилар учун оммавий адабиётлар,

ахборот-техника ва ишлаб чиқариш нормативлари адабиётлари, фан ва техниканинг айрим соҳалари бўйича ва махсус касблар бўйича справочниклар;

илмий-оммабоп адабиётлар: техника ишқивозларига ёрдам мақсадида қизиқарли тушунча берадиган адабиётлар.

МАГАЗИН МАРКАЗИЙ ВА РЕСПУБЛИКА НАШРИЁТЛАРИНИНГ ТЕМАТИК БУЮРТМАЛАРИ БЎЙИЧА ОЛДИНДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 43-уй, соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус. Якшанба дам олиш куни. Маълумотлар учун телефон 33-35-65.

«ТАШКНИГА».

АСАЛНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

АСАЛ ҚАМИДА 30 МИЛЛИОН ЁШДА ДЕБ ҲИСОБЛАНМОҚДА.

ҚАДИМ — ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН БУЁН АСАЛ ШУҲРАТ ҚОЗОНИБ КЕЛМОҚДА.

АСАЛ ЭНГ ЛАЗЗАТЛИ НЕЪМАТДИР.

АСАЛ ТЎЙИМЛИ ВА ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА ТЕНГИ ЙЎҚ ҲИСОБЛАНАДИ.

Тушликда бир чой қошиғида асал истеъмол қилиш уйқусизликдан халос этади.

Киши шамоллаганда қайноқ сутга асал солиб берилса айни муддаодир. Ўпка, юрак, буйрак, жигар, кўз хасталикларида асал жуда ҳам яхши шифо бўлади.

Куйиш, яра ва бошқа кўпгина тери касалликларини даволашда аъло восита бўлиб келган.

Асал болалар организмига жуда ҳам фойдали бўлиб, унинг таркибида болаларнинг ўсишига керак бўладиган моддалар мужассамлашган.

ҚУПГИНА ХАЛҚЛАР ПАЗАНДАЧИЛИГИДА

АСАЛ КЕНГ ИШЛАТИЛАДИ.

Айниқса бутерброд, блинчик, пирожки, пирог, торт ва бошқа лаззатли таомлар тайёрлаганда қўшилади.

БУНДАН ТАШҚАРИ КАША, ҚАЙМОҚ, ТВОРОГГА ҲАМ АСАЛ ҚЎШИЛСА ТЎЙИМЛИЛИК ЯНАДА ОШАДИ.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ.
КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.
ФРУНЗЕ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

ДЕҲҚОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ВАҚТНИ ТЕЖАЙ ДЕСАНГИЗ? — **САВДО ХИЗМАТИ БЮРОЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИНГИЗ!**

САВДО ХИЗМАТИ БЮРОСИ ХОДИМЛАРИ СИЗЛАРДАН СИЗ БИЛАН КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК НОЗ-НЕЪМАТЛАРИНИ (бозор ўртача нархидан пастроқ ҳолда) **сотиб оладилар. Бозор кассаси орқали дарҳол ҳисоб-китоб қилинади.**

ОЛОЙ, ГОСПИТАЛЬ, ОКТЯБРЬ, ҚОРАСУВ, ФАРҲОД, СЕЛЬМАШ, БЕШЁҒОЧ ВА БИРИНЧИ МАЙ БОЗОРЛАРИДА

САВДО ХИЗМАТИ БЮРОЛАРИ ИШЛАМОҚДА

БУНДАН БЮРОЛАР БИРИНЧИ НАВБАТДА КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

КОЛХОЗ БОЗОРЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

Агарда сиз ярим тайёр масаллиқларни ўз вақтида ғамлаб қўйсангиз ҳамма-вақт таом тайёрлашда кўп машаққат чекмайсиз.

25 ОКТЯБРДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР ОЛДИДАГИ МАЙДОНДА ЎТКАЗИЛАДИГАН САВДО — КЎРГАЗМАСИДАН

гўшт, парранда гўшти, балиқдан тайёрланган ярим тайёр масаллиқларни, кондитер неъматлари ва ҳамирни

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ (телефон 55-79-49)

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

24 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«ПАХТАКОР» (Тошкент)— «КУЗБАСС» (Кемерово) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

26 октябрдан бошлаб КОЛЛЕКТОР ҚУРИЛИШИ ИШЛАРИ ТУҒАТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН **Шота Руставели кўчасидаги икки томонлама йўналиш бўйича** ТРОЛЛЕЙБУСЛАР МАРШРУТЛАРИ ҲАРАКАТИ

ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

13 троллейбус, «22-КВАРТАЛ— ШОТА РУСТАВЕЛИ КЎЧАСИ,— РЕВОЛЮЦИЯ ҲИЁБОНИ **маршрути бўйича қатнайди:**

16-троллейбус »ДОМБРОБОД — ШОТА РУСТАВЕЛИ — РЕВОЛЮЦИЯ ҲИЁБОНИ» **маршрути бўйича қатнайди.**

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 169-ўрта мактаб томонидан **Хакимова Захро Махамаджановна** номига берилган 734098 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг «Ўзбектелефильм студияси коллективи кинооператор К. Каримовга отаси

Ҳошим КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

пайшанба

24 ОКТЯБРЬ

● МТ I

16.00 ЯХДР фольклор ансамблининг концерти.

16.25 «Ерда, самода ва денгизда». 16.55 Л. В. Бетховен. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт. Си бемоль-мажор. П. Нерсесян (СССР) ҳамда Австрия радио ва телевидениесининг симфоник оркестри ижро этади.

17.30 Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида. «Енгинамизда нон».

18.00 «Қалбга яқин қўшиқлар».

18.45 «Биз — Бирлашган миллатлар халқлари». Ҳужжатли фильм премьераси.

19.05 «Қувноқ нотачалар».

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 «Сўзни амалда иш билан оқла». Саратов область бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларнинг бориши ҳақида. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Саратов область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хомяков иштирок этади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Г. В. Пряхин олиб боради.

20.00 Футбол. Европа клубларининг матчлари.

21.30 «Время».

22.05 «Петербург билан хайрлашув». Бадиий фильм.

23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.

18.50 «Адажио». Фильм-концерт.

19.00 «Инсон ва қонун».

19.30 Ритмик гимнастика.

20.00 Совет композиторларининг С. Есенин шеърларига ёзган қўшиқларини В. Прокушева ижро этади.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

20.50 «Музикали киоск».

21.20 «Майдон ва одамлар». Илмий-оммабоп фильм.

21.30 «Время».

22.05 Болгар операси солистлари ижросида опералардан ариялар.

22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Рига). 2 ва 3-даврлар.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.

18.15 Болалар учун фильм. «Илк қадамлардан бошлаб».

18.30 «Халқ истеъмоли моллариga — юқори сифат».

19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Кузбасс» (Кемерово). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).

20.50 «Ахборот».

21.15 «Қароқчилар ва созандалар». Катталар учун мультфильм.

21.30 Москва. «Время».

22.05 «Бўйсунмас». Бадиий фильм.

23.35 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.

18.10 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий).

18.40 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия.

19.50 Реклама.

20.00 Тошкент янгиликлари.

20.20 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).

20.50 Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар ва рақслар.

21.30 МТ II

жума

25 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».

9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

9.55 Мультфильмлар: «Болалар альбоми», «Пони доира бўйлаб югуради».

10.25 Ҳужжатли фильмлар: «Уруш пайтларидаги хатлар», «Бегомль афсонаси».

11.05 «Петербург билан хайрлашув». Бадиий фильм.

12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.

15.20 Телефильм премьераси.

16.10 «Рус тили».

16.40 «Подмосковьенинг агросаноат комплекси».

17.10 «Олов билан ўйнашаётганлар». Телевизион бадиий фильм (Болгария).

18.30 «Фан ва турмуш».

19.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

19.15 «Дунё воқеалари».

19.35 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.

20.05 «Телетомошабинларнинг талабларига биноан». «Қишлоқ изқуварки». Бадиий фильм.

21.30 «Время».

22.05 «Кинопанорама».

23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

9.15 «Влас Егорович ва унинг отлари». Телефильм.

9.35 Н. А. Римский-Корсаков. 10.35, 13.30 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.

11.05 А. Прокофьев поэзияси.

11.35 «Астрон». Илмий-оммабоп фильм.

11.45 «Маяковский — рассом».

12.30 КАРЕЛИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

14.00 Тарих саҳифалари. «Ғалаба йўлидаги, тинчлик йўлидаги бирдамлик». СССР, АҚШ, Буюк Британия ҳукуматлари бошлиқларининг Қрим (Ялта) конференцияси ҳақида.

15.00 Совет драматургиясида В. И. Ленин образи. М. Горький номли Ленинград академик Катта драма театрининг «Такрор ва такрор ўқиб» спектакли саҳифаларида.

15.50 «Мактаб ислоҳоти». 2-йил. Кўрсатувда СССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси Н. А. Петровичев иштирок этади.

16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.

18.45 Е.Светланов. «Қишлоқда кунлар ва тунлар». Сюита.

18.55 «Ўсимликлар дунёси».

19.40 «Мўъжизалар майдони». Цирк коллективларининг чиқиши.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

20.50 Музикали танаффус (БХР).

21.20 «Белокуриха». Телефильм.

21.30 «Время».

22.05 «Салом, дўстим!» Қозоғистон ва Болгария телевидениеларининг Р. Римбаева ва О. Горанов иштирокидаги музикали кўрсатуви.

23.00 «Шаҳар боғида». Телефильм.

23.10 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крилья Советов» — «Спартак». 2 ва 3-даврлар.

● УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.

7.50 «Салом, кичкинтойлар!» Музикали дақиқалар.

8.00 «Тонгги тароналар».

8.10 «Илғор тажриба — ҳаммага».

8.20 «Тоғларда куз». Телефильм.

8.30 «Ахборот».

* * *

18.00 Янгиликлар.

18.15 «Ҳаёт каби тирик».

18.45 «Ақлилар ҳақида ҳикоя». Телефильм.

19.00 «Стандартлаштириш ва илмий-техника тараққиёти» (рус.).

19.30 «Ахборот» (рус.).

19.50 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

20.05 «Гулла-яшна, қўриқ ер». Задарё район бадиий ҳаваскорлари ҳақида киноочерк.

20.30 «Ахборот».

20.55 УзССР Давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

21.30 Москва. «Время».

22.05 «Хирмонингизга барака». Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.

23.20 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

9.00 — 16.25 МТ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.

18.10 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).

18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар» (такрорий).

19.15 «Бу ер менинг масканим». Телевизион бадиий фильм (рус.).

20.00 Тошкент янгиликлари.

20.25 «О, муҳаббат». Музикали комедия (рус.).

21.30 МТ II

4 ТОШКЕНТ ВЕТ ОҚШОМИ

22 ОКТЯБРЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуш — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 14098. Индекс 64690 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10